

ОИЛАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ЯРАШТИРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ: ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

CONCILIATION MECHANISMS IN RESOLVING FAMILY DISPUTES: THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES

Муборакхон Тожиева

Ўзбекистон Республикаси

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20078928>

Аннотация. Тезисда оилавий низоларни ҳал этишда яраштирув тартибларини қўллаш бўйича халқаро тажрибани таҳлил қилишга бағишланган. Унда турли ҳуқуқий тизимларда, жумладан, умумий ҳуқуқ тизимига мансуб давлатлар ва континентал Европа мамлакатларида оилавий медиация институтининг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади. АҚШ, Германия, Австрия, Дания, Италия, Испания ва Ирландия каби давлатларда медиациянинг ҳуқуқий тартибга солиниши, институционал тузилмаси ва амалиётига алоҳида эътибор қаратилган. Суд тартибига нисбатан медиатив ёндашувнинг афзалликлари, хусусан, низо иштирокчилари ўртасида конструктив муносабатларни сақлаб қолиш имконияти ҳамда болалар манфаатларини устувор ҳимоя қилиш таъминланиши таъкидланган. Шунингдек, оилавий медиация оила-ҳуқуқ соҳасида низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули сифатида самарали экани ҳақида хулоса чиқарилган.

Abstract: The article is devoted to the analysis of international experience in the use of conciliation procedures in resolving family disputes. The features of the institution of family mediation in various legal systems, including common law countries and continental Europe, are considered. Special attention is paid to the regulatory framework, institutional structure and practice of mediation in countries such as the USA, Germany, Austria, Denmark, Finland, Italy, Spain and Ireland. The advantages of the mediation approach in comparison with judicial proceedings are emphasized, in particular, the possibility of maintaining constructive relations between the parties to the dispute and ensuring priority protection of the interests of children. The conclusion is made about the effectiveness of family mediation as an alternative way to resolve conflicts in the family legal sphere.

Калит сўзлар: оилавий медиация, яраштирув тартиблари, оилавий низолар, низоларни муқобил ҳал этиш, халқаро тажриба, ҳуқуқий тартибга солиш, болалар манфаатларини ҳимоя қилиш.

Keywords: family mediation, conciliation procedures, family disputes, alternative dispute resolution, international experience, legal regulation, protection of children's interests.

Қадимдан низолар инсонлар ўртасидаги келишмовчиликлар натижасида вужудга келиб, жамият тараққиёти давомида уларни ҳал этиш усуллари ҳам шаклланиб борган, бунда турли даврларда урф-одатлар, анъаналар ва ҳуқуқий меъёрлар асосида низоларни тинч йўл билан бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, замонавий жамиятда медиация ва бошқа муқобил ҳал этиш усуллари кенг қўлланилиб, низоларни адолатли ва самарали тарзда ҳал қилишга хизмат қилмоқда. Бу эса нафақат тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга, балки жамиятда барқарорлик ва

ўзаро ишонч муҳитини мустаҳкамлашга ҳам замин яратади. Низоларни конструктив ёндашув асосида ҳал этиш орқали инсонлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш имконияти янада кенгайди.

Халқаро низоларни ҳал этиш амалиёти нуқтаи назаридан қаралганда, медиация низоларни тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида ўзини намоён этган бўлиб, бу ҳолат халқаро оилавий медиация хартиясида ҳам тасдиғини топган [1]. Айниқса, оилавий медиация сўнгги бир неча ўн йилликлар давомида хорижий ҳуқуқий тизимларда юқори даражада талабга эга бўлиб, кенг эътироф этилмоқда.

Оилавий медиация механизмларидан фойдаланиш, асосан, никоҳни бекор қилиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади. Бу жараён кўпинча қуйидаги масалалар бўйича низолар билан боғлиқ бўлади: вояга етмаган болаларнинг яшаш жойини белгилаш, улар билан учрашув ва мулоқот тартибини белгилаш, эр-хотин томонидан биргаликда орттирилган мол-мулкни тақсимлаш, алимент мажбуриятларининг миқдори ва тартибини аниқлаш ҳамда оила ҳуқуқига оид бошқа низоларни ҳал қилиш. Агар оилавий низони ҳал қилиш масаласи вояга етмаган болалар билан боғлиқ бўлса, психологик жиҳат биринчи ўринлардан бирини эгаллайди, жумладан, боланинг медиация жараёнида иштирок этиши имконияти ҳам муҳим аҳамиятга эга [2, 46-бет].

Медиация жараёни тарафларнинг ихтиёрий розилиги асосида амалга оширилади ва тенглик, махфийлик, медиаторнинг мустақиллиги ва холислиги тамойилларига таянади. Айниқса, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади. Медиация натижасида тарафлар ўзаро мақбул қарорга келишади ва бу қарор медиатив келишув шаклида расмийлаштирилади, яъни у низо иштирокчиларининг ўзаро келишувини ифодалайди.

Шунингдек, фуқаролик низоларини суддан ташқари ҳал этиш салоҳиятини ривожлантириш аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, жамиятдаги низолар даражасини камайтиришга ҳамда ижтимоий ва ишбилармонлик муносабатларини сақлаб қолишга хизмат қилади [3].

Халқаро амалиётда оилавий низолар бўйича яраштирув тартибларини ўрганиш шуни кўрсатадики, оилавий медиация суд тартибига нисбатан муҳим устунликларга эга. Бу устунлик, энг аввало, барча тарафлар учун ўзаро манфаатли қарорга эришиш имкониятида намоён бўлади. К.А. Шумованинг фикрига кўра, “фуқаролик жараёни доирасида мажбурий медиация институтини жорий этиш кўп ҳолларда нафақат никоҳни сақлаб қолишга, балки молиявий ва номолиявий муаммолар туфайли юзага келадиган эмоционал чарчоқнинг олдини олишга хизмат қилади” [4, 146-бет].

Оилавий медиация оила аъзолари ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳурматни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган самарали механизм ҳисобланади. Бу эса Австралия, Янги Зеландия, Буюк Британия, Канада ва АҚШ каби англосаксон ҳуқуқий тизимига мансуб давлатларга хос бўлган асосий ахлоқий меъёрларга мос келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, мазкур низоларни ҳал қилишнинг муқобил усули нафақат умумий ҳуқуқ тизими давлатларида, балки Германия, Австрия, Франция, Дания, Бельгия, Италия ва Ирландия каби континентал ҳуқуқ тизимига мансуб давлатларда ҳам кенг тарқалган.

Масалан, АҚШда оилавий медиация оилавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш тизимига интеграция қилинган. Суд органлари, агар оилани сақлаб қолиш имконияти

мавжуд бўлса, эр-хотиннинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар, никоҳни бекор қилиш ишларида яраштирув жараёнини бошлаш ҳуқуқига эга. Н.А. Курмаева таъкидлаганидек, “яраштирув жараёни АҚШнинг ягона ажрашиш тўғрисидаги қонуни 404-моддасига мувофиқ доимий фаолият юритувчи яраштирув хизматлари ёки муайян низони ҳал қилиш учун ташкил этилган органлар томонидан амалга оширилади” [5, 12-бет].

Европа Иттифоқида ҳам оилавий медиация институти алоҳида аҳамият касб этган. Европа Кенгаши Вазирлар қўмитасининг 1998 йил 21 январдаги R (98) 1-сонли тавсиясида оилавий низоларнинг кучайиши ижтимоий-иқтисодий салбий оқибатларга олиб келиши таъкидланган. Ушбу ҳужжатда болалар манфаатларини устувор ҳимоя қилиш зарурлиги, шунингдек, оилавий низоларнинг ўзига хос жиҳатлари — муносабатларнинг давомийлиги, юқори эмоционал фон ва барча оила аъзоларига, айниқса болаларга салбий таъсири қайд этилган. Медиацияни жорий этиш оилавий муносабатларни яхшилаш, низоларни юмшатиш, харажат ва вақтни камайтиришнинг самарали воситаси сифатида қаралади.

2004 йил 2 июлда Брюсселда қабул қилинган Европа медиаторларининг хулқ-атвор кодексида медиаторлар фаолиятини тартибга солувчи тамойиллар белгиланган бўлиб, унда болалар манфаатларини устувор ҳисобга олишга алоҳида эътибор берилган.

Европа тажрибасида Германия оилавий медиациянинг кенг қўлланилиши билан ажралиб туради. Бу ерда медиация болалар тарбияси, васийлик, кўчмас мулкни тақсимлаш, қарз мажбуриятлари, никоҳ шартномаси ва мерос билан боғлиқ низоларни қамраб олади. Медиациянинг самарадорлиги тарафларнинг келишувга эришиши билан тасдиқланади.

Австрияда эса икки медиатор иштирокидаги (ко-медиация) усул кенг тарқалган. Улардан бири психолог, иккинчиси эса юрист бўлади. Бу усул ҳуқуқий ва психологик жиҳатларни бир вақтда ҳисобга олиш имконини бергани учун самарали ҳисобланади.

Данияда оилавий медиация асосан ажрашгандан кейин болалар тарбияси билан боғлиқ масалаларда қўлланилади ва кўп ҳолларда мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, фуқаролар бола билан мулоқот ҳуқуқи ва васийлик масалалари бўйича давлат органларига бепул мурожаат қилишлари мумкин. Агар медиация самара бермаса, иш судга ўтказилади.

Испанияда эса медиация судгача бўлган босқич сифатида қаралади ва кўп ҳолларда судга мурожаат қилиш заруратини бартараф этади.

Тадқиқотчилар таъкидлашча, оилавий муносабатларда медиацияни қўллаш оила аъзолари ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишга ва оилавий алоқалар узилиб кетишининг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, оилавий медиация турли ҳуқуқий тизимларда низоларни ҳал қилишнинг самарали усули ҳисобланади. Унинг асосий афзалликлари — ўзаро манфаатли қарорга эришиш, муносабатларни сақлаб қолиш ва болалар манфаатларини ҳимоя қилишдир. Кўплаб давлатларда медиация институционал даражада ривожланган бўлиб, махсус хизматлар ва ҳуқуқий меъёрлар орқали тартибга солинади.

Шунингдек, Австриядаги ко-медиация каби инновацион ёндашувлар медиация самарадорлигини янада ошириш имконини бермоқда. Умуман олганда, оилавий

медиация судларга тушадиган юкни камайтиради, харажат ва вақтни тежайди ҳамда оилавий муносабатларни сақлаб қолишга хизмат қилади.

Шу тариқа, оилавий медиацияни қўллаш инсонлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ва оилада ҳамжиҳатликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Хартия о международной семейной медиации [Электронный ресурс]. – URL: https://iss-ssi.org/storage/2023/03/IFM-Charter_RUS.pdf (дата обращения:30.09.2024).
2. Потапова, Л. В. Цифровизация альтернативных методов разрешения споров / Л. В. Потапова // Международный научно-исследовательский журнал. 2024. – № 2(140).
3. Романов А.А. Медиативные процедуры в семейных спорах // Арбитражный и гражданский процесс. 2023. № 8. С. 42 - 46.)
4. Шумова, К. А. Приоритетность судебной медиации как формы преодоления семейно-правового конфликта / К. А. Шумова, Д. В. Долотова // Вестник Владимирского юридического института. – 2020. – № 2(55). – С. 143-146.
5. Курмаева, Н. А. Зарубежный опыт семейной медиации / Н. А. Курмаева, Л. Р. Галимова // Вопросы экономики и права. – 2019. – № 132. – С. 11-14. –DOI 10.14451/2.132.11
6. Рекомендация R (98)1 Комитета министров государствам-членам о семейной медиации
URL:<https://www.refworld.org/ru/legal/resolution/coeministers/1998/ru/139368> (дата обращения: 30.09.2024).
7. Европейский кодекс поведения для медиаторов [Электронный ресурс]. – URL: <https://mediation-eurasia.pro/wp-content/uploads/2018/04/evropejskijkodeks-povedenija-dlja-mediatorov.pdf> (дата обращения: 30.09.2024).
8. Буянова Е. В. Особенности процедуры медиации в семейных спорах: анализ зарубежного опыта // Труды Оренбургского института (филиала) Московской государственной юридической академии. 2016. № 30. С. 71-79.
9. Косарев, А. А. Особенности семейной медиации в Королевстве Испания / А. А. Косарев, И. А. Трофимец // Внесудебное и судебное примирение: проблемы и перспективы развития: Материалы Международной научной конференции, Москва, 24 мая 2022 года. – Москва: Институт государства и права РАН, 2023. – С.182-188.
10. Haavisto, Vaula. (2018). Developing Family Mediation in Finland: The Change Process and Practical Outcomes. 10.1007/978-3-319-73019-6_4 (дата обращения: 30.09.2024).
11. Летова, Н. В. Медиативные соглашения как способ решения споров и конфликтов в семейных отношениях / Н. В. Летова // Внесудебное и судебное примирение: проблемы и перспективы развития: Материалы Международной научной конференции, Москва, 24 мая 2022 года. – Москва: Институт государства и права РАН, 2023. – С. 32-39.